



ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

вазирлиги Э.Искандаров

2017 йил «07» ИЮН
М.У.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Самарқанд вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг НИЗОМИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Самарқанд вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг (кейинги ўринларда “Бошқарма” деб юритилади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, шунингдек фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2900-сон қарорига асосан ташкил қилинган.

3. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва ўз фаолияти юзасидан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда “Вазирлик” деб юритилади) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигига ҳисобот беради.

4. Бошқарма таркибига қонун ҳужжатларига мувофиқ Бошқарманинг ташкилий тузилмасига киритилган корхона ва ташкилотлар киради.

5. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг буйруқ ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

6. Бошқарма ўз фаолиятини Самарқанд вилояти ҳокимлиги, давлат бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектларининг худудий бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Бошқарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, бюджет ва бошқа банк ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, шунингдек ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва Бошқарма номи ёзилган бланкаларга эга бўлади.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ оператив бошқарув асосида мол мулкка эга бўлади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари Бошқармани сақлаб туриш харажатларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

2-боб. Бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қўйидагилар бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирликнинг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини худуд миқёсида тадбиқ этиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

кўп хонадонли уйларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш, шу жумладан, кўп хонадонли уй-жой фондини мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини ташкил этиш;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва кўп хонадонли уйларни техник ҳолатини мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, улардан фойдаланиш ва умумий мулкни сақлашга қаратилган мажбурий бадаллар миқдорини аниқлаш юзасидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига услубий кўмаклашиш;

ичимлик сув ва канализация объектларини, иссиқлик таъминоти тизимларини аҳоли пунктларини ривожлантириш схемалари ва бош режалари билан боғлаган ҳолда ривожлантириш, модернизация ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширилишини мониторинг қилиш;

иссиқлик таъминоти тизимида, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб, энергия ва ресурсни тежайдиган янги технология ва ускуналарни жорий қилиш буйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

марказий қозонхоналарни, иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш, шунингдек хонадонлар ичида алоҳида иссиқлик таъминоти

тизимларини ўрнатиш борасида республика иссиқлик таъминотини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига ресурс ва энергия тежайдиган технологиялар ҳамда ускуналарни татбиқ этиш, жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини замонавий ҳисоблаш ўлчов приборлари билан жиҳозлаш;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ичимлик сув, канализация, иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматларга тариф сиёсатини шакллантириш учун ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларининг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ юқори ташкилотлар номенклатурасига олинган лавозимларга малакали кадрлар танлаш ва белгиланган тартибда тақдим қилиш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳудуддаги ташкилотлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш бўйича ахтиёрчи ўрганиш, шу юзасидан таклифлар киритиш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳудудий ташкилотлари кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга жалб қилиш;

Бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотларларда ахборот коммуникация технологиялари фаолиятини йўлга қўйиш ва барқарорлигини таъминлаш;

Бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотларларда баланс ва молиявий ҳисоботларни қабул қилиш, таҳлил қилиш ҳамда Вазирликка тақдим қилиш;

10. Бошқарма ўзига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ҳудудда Вазирликнинг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш фаолиятини бошқаришда:

жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жой коммунал хизматларга бўлган талабини ўрганади ва ўрнатилган тартибда Вазирликка тақдим қилади;

истеъмолчиларга уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш сифат даражасини ошириш ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш юзасидан таклифлар киритади;

кўп хонадонли уй-жой фонди, ичимлик сув, канализация, иссиқлик таъминоти соҳасида қурилиш, реконструкция ва модернизация қилишга доир дастурлар, шунингдек ҳудуднинг коммунал инфратузилмасини янада ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига раҳбарлик қилади, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш объектларидан фойдаланадиган ташкилотлар фаолиятини услубий таъминлайди ва мувофиқлаштиради,

бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотларнинг аҳоли, ижтимоий соҳа объектлари ва иқтисодиёт тармоқларига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш барқарорлигини таъминлашга доир ишларини ташкил этади;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг барқарор фаолияти ва соҳага оид норматив талабларга риоя этилишини таъминлайди;

кўп хонадонли уй-жой фонди, иссиқлик таъминоти, ичимлик сув ва канализация тизимларининг техник-иқтисодий ҳолати кўрсаткичларини ўрганади ва мониторинг қилади;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларнинг турларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг моддий ва энергия истеъмолини камайтириш чораларини кўради ва бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўп хонадонли уйларнинг сақланишини таъминлаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш объектларининг барқарор ишлаши масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўяди;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш чораларини кўради;

ҳудуд аҳолисини уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилади, жисмоний шахслар, шу жумладан яққа тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг Бошқарма ваколатига киритилган масалаларга тааллуқли мурожаатларини (таклифлари, аризалари ва шикоятларини) қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади ва зарур чоралар кўради;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ишлар ҳолатини таҳлил қилади, интерфаол “самарали алоқа” ва “виртуал қабулхона” механизмини жорий қилади;

Бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлик техникасини таъминлаш, авария ва ёнғинлар, бахтеиз ҳодисаларнинг олдини олиш тадбирлари бажарилишини таъминлайди;

Ўз ваколати доирасида давлат мулкани бошқаради ва тасарруф этади.

б) кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда:

кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш бўйича дастурларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;

кўп хонадонли уй-жой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ва “Ягона ҳисоб-китоб маркази” фаолиятини ташкил қилади, мувофиқлаштиради ва мониторинг қилади;

кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш бўйича дастурларни шакллантиради ва амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлардан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиш чораларини кўради;

кўп хонадонли уйларни бошқариш ва бошқарувни амалга оширадиган ташкилотларни назорат қилиш тизимининг фаолият кўрсатиши, уй-жой муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида аҳолини ахборот билан таъминлайди;

аҳоли пунктларида жойлашган кўп хонадонли уйларни реконструкция қилиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлаш, уларнинг техник ва фойдаланиш ҳолатини яхшилаш масаласида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

кўп хонадонли уйда жой мулкдорларининг умумий мулкани сақлаш, фойдаланиш ва унинг энергетика самарадорлигини ошириш бўйича бажарилиши шарт бўлган тадбирлар рўйхатини тузади ва бажарилишини таъминлайди;

кўп хонадонли уй-жой фондининг турар жойларини яшаш учун яроқсиз деб тан олиш тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширишда иштирок этади;

кўп хонадонли уй-жой фондининг авария ҳолати мониторингини олиб боради;

кўп хонадонли уй-жой фондини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида ишларни ташкил қилади ва маҳаллий ижро ҳокимияти

органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

в) сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилишда:

аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларида тоза ичимлик сувдан фойдаланишини яхшилашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

тегишли дастурлар доирасида ичимлик сув ва канализация корхонаси иштирокида сув таъминоти ва канализация иншоотлари ҳамда тармоқларини қуриш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилишни амалга оширади;

ичимлик сув ва канализация корхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ускуналар, машина ва механизмлар, таъмирлаш-фойдаланиш ва ўлчаш приборлари билан жиҳозлашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

ичимлик сувни ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлари самарадорлигини ошириш, белгиланган талабларга мувофиқ унинг сифатини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнига энергия ва сувни тежайдиган технология ҳамда ускуналарни жорий қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади ва мазкур фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

ичимлик сув ва канализация тизимларини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида бошқаришнинг бозор тамойилларига мос механизмларини жорий этилишини таъминлайди;

ичимлик сув ва канализация объектларини ўз вақтида фойдаланишга қабул қилиш чораларини кўради;

сув қувурлари ва канализация иншоотларида энергия ва ресурсни тежайдиган янги технология ҳамда ускуналарни жорий қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этади;

марказлаштирилган сув таъминоти ва канализация объектларини ҳар бир аҳоли пункти бўйича паспортлаштиради ҳамда паспортлаштириш натижалари асосида мунтазам янгиланадиган электрон маълумотлар базасини шакллантиради;

марказлаштирилган ичимлик сув таъминоти тармоғига уланган барча тоифадаги истеъмолчилар учун замонавий ҳисобга олиш приборларини босқичма-босқич ўрнатиш бўйича тадбирларни амалга оширилишини таъминлайди;

ичимлик сув ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилишга доир ажратиладиган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишда иштирок этади.

г) иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилишда:

иссиқлик таъминоти тизимида, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб, энергия ва ресурсни тежайдиган янги технология ва ускуналарни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

кўп хонадонли уйлар қуриш, ижтимоий ва бошқа объектларда энергия самарадорлигини таъминлайдиган маҳаллий қозонхоналар қуриш, шунингдек хонадонлар ичида алоҳида иссиқлик таъминоти тизимларини ўрнатиш орқали марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш чораларини кўради;

жисмонан ва маънан эскирган, самарадорлиги паст қозонхона агрегатлари, насос ускуналари, ишдан чиққан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларини модернизация, реконструкция қилинишини ҳамда уларни алмаштирилишида қатнашади;

энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни норматив ҳисобга олишни йўлга қўйиш, абонентларни иссиқлик таъминоти хизматлари учун келиб тушадиган маблағлар ва тўловларни автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий қилинишини ташкил этади.

д) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар билан ишлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда:

тегишли давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотларда коррупцияни олдини олишга қаратилган ишларни ташкиллаштиради;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эҳтиёжни ўрганади;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлашни, хорижий мамлакатларда тажриба орттириш учун номзодларни жалб қилиш ишларини ташкил қилади;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрлар захирасини шакллантиради;

"Коммуналўқув" ўқув-методик марказида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассислари ва хусусий уй-жойлар мулкдорлари ширкатлари ходимларини ўқитиш ишларини ташкил қилишга кўмаклашади.

3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Бошқарма ўзига юкланган вазифа ва функцияларини бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари хайъатларининг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислохотларни амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларида коммунал хизматларни жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан бошқарма ва ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотларнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар, статистика маълумотлари, таҳлилий материаллар, хулоса ва бошқа ахборотларни сўраб олиш;

давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва идоравий мансуб ташкилотлардан ичимлик сув, канализация ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш, кўп хонадонли уй-жой фондини мукамал ва жорий таъмирлаш, кўп хонадонли уй-жой фондига туташ худудларни ободонлаштириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун зарур ҳисоб-китоблар, ҳисобот маълумотлари ва бошқа материалларни олиш;

Вазирликка, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун бошқарма ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

Вазирлик билан келишилган ҳолда ўз ваколати доирасида конференция, семинар, ярмарка ва бошқа тадбирлар ўтказиш, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Вазирлик ва республика ташкилотлари номенклатурасига олинган лавозимларга номзодлар танлаш ва белгиланган тартибда Вазирлик ва республика ташкилотларига тақдим қилиш;

хорижий давлатларга бошқарма ва ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотларнинг мутахассисларини белгиланган тартибда юборилиши учун номзодлар кўрсатиш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисида мутасадди ташкилотларга кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

коммунал соҳа объектларини қуриш соҳасида шаҳар ва туманларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган бош режалари лойиҳалари бўйича хулоса беришда қатнашиш;

Бошқарма қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Бошқарма қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

Вазирликнинг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини татбиқ этиш ва коммунал соҳа фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилишини ўз вақтида ва сифатли ташкил этиш;

кўп хонадонли уйлар, сув таъминоти ва канализация, иссиқлик таъминоти тизимларини бошқаришнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, zilзила, сув тошқинлари, ёнгин, эпидемия ва бошқалар) Вазирликни ҳабардор қилган ҳолда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳар қандай объектидан фойдаланиш, уларнинг фаолият юритишини чекланиши ёки тўхтатилиши;

ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажариш.

4-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

13. Бошқармага вилоят ҳокимининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва ундан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

14. Бошқарма бошлиғи ўз мақомига кўра Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосарига тенглаштирилади.

15. Бошқарма бошлиғи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири буйруғи билан лавозимига тайинланадиган ва ундан озод қилинадиган ўринбосарга эга бўлади.

16. Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бошқарма номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, молия хўжалик фаолиятини олиб боради, қонун ҳужжаталарига мувофиқ шартномалар тузади ва имзолайди;

Бошқармани малакали кадрлар билан бутлайди ва улар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузади, ўзгартиради ва қонун ҳужжаталарига мувофиқ шартномаларни бекор қилади;

Бошқарма ходимлари ва бўлим бошлиқларининг ҳамда ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ваколатларида белгилайди;

Бошқарма ходимлари ҳамда Бошқарма ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар (фармойишлар) чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Бошқарманинг штатлар жадвалини ва харажатлар сметаси лойиҳасини тасдиқлайди ҳамда молия органлари билан келишилган ҳолда рўйхатдан ўтказиши;

Бошқарма ташкилий тузилмасидаги ташкилотларнинг штатлар жадвалини белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминлайди ва уларнинг низом (устав)ини тасдиқлайди;

Бошқарманинг ва ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилади, ишда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларини Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этади;

Бошқарма ходимларини ва ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Бошқарма ва ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотларда кадрлар сиёсатини юритади ва раҳбар кадрлар заҳирасини яратади;

Бошқарма мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этади;

Бошқармада ва ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотларда ижро интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўради.

17. Бошқармада ўзига юклатилган вазифа функцияларни самарали амалга ошириш ва келгусидаги ишларни режалаштириш, фаолиятини ривожлантириш мақсадида камида 5 кишидан иборат Кенгаш ташкил қилинади.

Кенгаш таркиби Вазирлик билан келишилади ва Кенгаш йиғилишлари ҳар чорак якуни бўйича, шунингдек йилда камида тўрт мартаба ўтказилади.

18. Кенгаш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари, Вазирликнинг ва Самарқанд вилоят ҳокимлигининг қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ижро интизомини мустаҳкамлаш, вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Бошқарма ва тасарруфидаги ташкилотлар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Кенгаш бошқарма ваколатига тегишли бўлган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир.

Кенгаш мажлисига Вазирлик ва Бошқарма ваколатларига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

Кенгаш аъзолари, агар мажлисда унинг таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади.

Кенгаш қарорлари Бошқарма бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилади.

Кенгаш фаолияти тартиби кенгашнинг қарори билан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

5-боб. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш уларни моддий рағбатлантириш

19. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлими ходимларини моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Бошқарма ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларнинг ходимларига тўланадиган иш ҳақи қонунчиликда назарда тутилган лавозим маоши, мукофотлар, кўшимча ва устама ҳақлардан иборат бўлади.

21. Бошқарма ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларнинг ходимларига белгиланган тартибда тасдиқланган смета доирасида:

давлат муассасаларида, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида узок муддат хизмат қилгани учун белгиланган тартибда ҳар чораклик мукофот тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига узок муддат хизмат қилгани учун мукофот олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи белгиланган тартибда амалга оширилади;

22. Байрам саналарида, Бошқарма ходимларига, туман (шахар) бўлим ходимларига штат жадвалига биноан лавозим маошининг 2 (икки) бараваригача миқдорида мукофот тўланиши;

ташаббускор ва юқори малакали ходимларининг лавозим маошларига (тариф ставкасига) белгиланган тартибда шахсий устамалар белгиланади.

23. Бошқарманинг ташкилий тузилмасидаги корхона ва ташкилотларнинг моддий-техника таъминоти, шунингдек уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тадбиркорлик фаолиятидан тушумлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоида

24. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.